


# Устоз Муҳаммад Айюбхон домла Косоний Канаданинг Торонто шаҳридаги «Sayeda Khadija Ислон Маркази»га ташриф буюрдилар



20:47 / 08.04.2023 2056

Аввалроқ хабар берганимиздек, юртимизнинг бир гуруҳ уламолари 2023 йил 5 апрель куни АҚШ ва Канадага Рамазон тадбирларида иштирок этиш учун ушбу мамлакатга жўнаб кетган эдилар. Устозлармиз уммон орти мамлакатига етиб бориб, Рамазон ойи тадбирларида ватандошларимиз учун диний-маърифий суҳбатларни бошлаб юбордилар.

Жумладан, устоз Муҳаммад Айюбхон домла Косоний Канаданинг Торонто шаҳридаги «Sayeda Khadija Ислон Маркази»га ташриф буюриб, Рамазон ойининг афзалликлари, фазилатлари, ушбу ойда бажариладиган амаллар ҳамда мусофирчиликда динимизга эътиқод қилиш, қадриятларимизни

сақлаб қолиш, дин йўлида бирдамликда хизмат қилиш ва бошқа долзарб мавзуларда илмий суҳбат қилиб бердилар. Суҳбат асносида ватандошларимизни қизиқтирган саволларга қониқарли, яъни далил-ҳужжатлар билан жавоблар тақдим этилди. Ташриф давомида, ушбу нуфузли масжиднинг бош имом-хатиби ва Канада Имомлар Кенгашининг собиқ президенти доктор Ҳамид Слими ҳамда масжид ходимлари билан учрашув ўтказилди. Унда Ўзбекистоннинг бой тарихи, юртимизга соф Ислом динининг тарқалиши, уламолар қолдирган улкан илмий-маданий мерос ва қадриятлар ҳақида суҳбатлар олиб борилди. Ифтор дастурхонига тортиқ қилинган миллий таомларимиздан ташриф буюрган барча ватандошлар ва маҳаллий меҳмонлар биргаликда танаввул қилдилар. Хуфтон ва таровеҳ намозида қатнашган минглаб иштирокчиларга Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида олиб борилаётган ҳамкорликлар ҳақида мутассаддилар томонидан маълумотлар бериб ўтилди.



